



# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2010 йил  
24 ноябрь  
ЧОРШАНБА  
№ 93  
(12.313)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

www.th.uz

## БОҒДОРЧИЛИК

### ЯХШИ ФЕРМЕР БОҒ ҚИЛАДИ

Юртимиз ҳосилдор боғлари-ю, тилни ёрар ширин-шакор мевалари билан етти иқлимга машхур. Шу сабабли хориждан келадиган сайёҳлар ҳам заминимизда етиштирилган меваларни табиб кўришга, иложи бўлса ўзлари билан олиб кетишга ҳаракат қилишади.

Вилоятимизда серхосил боғларни кенгайтириш, ички бозорларни турли-туман мевалар билан тўқин-сочин қилиш, қолаверса, хорижий юртларга экспорт қилиш мақсадида кенг қўлмали ишларни амалга оширишга киришилди. Чунончи, бу йилдан бошлаб Охангарон туманининг ўзида 461 гектар янги боғлар барпо этиш кўзда тутилган. Шундан 381,7 гектари суғориладиган, қолгани лалми ерлардир. Боғдорчиликка ажратилган майдоннинг 60 гектарига узум етиштирилади. Ҳабибулло Ҳасанов янги ташкил этилган

кўйсангиз, кўп ўтмай, даракта айланади. Узбек бўла туриб, боғ яратмасак, уят бўлади. Янги боғимиз нафақат ўзимиз, балки келажак учун кўп йиллар хизмат қилсин, деймиз. Фермер ишнинг кўзини билади. Кўчат танлаш бобида ҳам унинг олди-га тушадигани йўқ. У гектарига минг туп "Голден", "Семеренко" ва "Старт Кримсон" навли олма кўчатларини экди. Токзорга эса "Кишмиш" ва "Тоифи" навли узумларни экишни маъқул билди. Ўзининг айтишича, олмалари 5 йилда, деб ўйлайман. Чунки, бизнинг еримиз шундай серхосилки, чўп суқиб

боғнинг эгаси. У яхши ниятлар билан боғдорчилик хўжалигини "Имкон ҳамкор ишонч боғи" деб номлади. Фермер енг шимариб 25 гектар ерда боғ, яна шунча жойда узумзор яратишга киришди. Яхшидан боғ қолади, - дейди у. - Бу гап ўзбек заминдорлари учун айрилган бўлса керак, деб ўйлайман. Чунки, бизнинг еримиз шундай серхосилки, чўп суқиб

СУРАТДА: (чапдан) иш юритувчи Валижон Кенжаев туман кишлоқ ва сув хўжалиги бўлими мутахассиси Валижон Домулложонов билан янги боғдаги ишлар ҳақида суҳбатлашмоқда. Еркебой БОТИРОВ олган сурат.



### ПРЕЗИДЕНТ ҚАТАРГА ЖўНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Қатар Давлати Амири шайх Ҳамад бин Халифа Ол Сонийнинг таклифига биноан 23 ноябрь куни расмий ташриф билан Доҳа шаҳрига жўнаб кетди.

Ташриф чоғида Ўзбекистон - Қатар ҳамкорлигини кенгайтириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик долзарб муаммолар муҳокама қилинади.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини ривожлантиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши кутилмоқда.

Ў.А.

### ОЙЛИК ДАВОМ ЭТМОҚДА

Шу кунларда "Ёнги хавфсизлиги ойлиги" доирасида кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда. Шундай тадбирлардан бири Зағзига туманидаги академик лицей ва коллежларда ўтказилди. Унда ёнги хавфсизлиги қондалари, унинг келиб чиқиш сабаблари ҳақида атрофлича тўхталиб ўтилди.

Шу каби давра суҳбатларини, айниқса, аҳоли зич яшайдиган жойларда ўтказиш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди.

Юлдузхон МУХИДДИНОВА.



### ҚОСИМЖОНОВ ИЗДОШЛАРИ

"Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, халқ таълими, ўрта-махсус касб-хунар таълими, Болалар спортини ривожлантириш, "Маҳалла" жамғармалари ҳамда шахмат федерацияси ҳамкорлигида "Қамолот" шахмат тахтаси IV турнирининг вилоят босқичи Қибрай туманидаги шахмат клубида ўтказилди.

Мусобақанинг туман ва шаҳар босқичларида умумтаълим мактаблари ва ўрта-махсус, касб-хунар коллежларидан 579 нафар ўғил ва қиз иштирок этди. Вилоят саралаш босқичига худудий босқичдан ғолиб бўлган 84 нафар ёш шахматчи етиб келди.

Яқуний натижаларга кўра, Нажмиддин Умаров, Хурлихон Нурибекова, Гаваҳ Бердибекова, Ҳамид Эгамов, Шаҳзода Раҳматуллаев, Алёна Қулимова республика финал босқичига йўлланма олдилар.

Фоал иштирокчиларга ташкилотчиларнинг диплом, фахрий ёрлик ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Феруза ТўРАЕВА.

### АСОСИЙ ҚОНУНИМИЗГА БАҒИШЛАНДИ

Олмалик шаҳридаги "Кимёгарлар" саройида Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ташаббуси билан Конституциянинг мазмун-маъносини очиб беришга қаратилган давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда давлат ва нодавлат ташкилотлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида демократик-ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида амалга ошириладиган ишлар, Конституциянинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамияти, жумладан, унда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини қўллашнинг мустақамлаб қўйилгани хусусида сўз юритилди. Асосий эътибор давлатимиз раҳбарининг жорий йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мазмун-маъносини очиб беришга қаратилди. Мутахассислар томонидан мамлакатимизда кечаятган сиёсий жараёнлар,

халқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган норма ва қондаларини миллий қонунчилигимизга татбиқ этиш, мамлакатимизнинг ривожланган давлатлар билан олиб бораётган иқтисодий, ижтимоий, сиёсий соҳалардаги алоқалари борасида интерфаол усулда атрофлича тушунча берилди.

Тадбир давомида мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга ошириладиган ислохотлар, хусусан, Ўзбекистон Республикасининг "Воёга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги, "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги қонунларининг мазмун-маъносини, аҳамияти, уларнинг ижроси юзасидан олиб бориладиган ишлар муҳокама қилинди.

Л. СУВОНОВ, Ў.А. мухбири.

### ОСИЁ ҲИМНИ

### ОЛИМПИАЧИЛАРИМИЗНИНГ НАВБАТДАГИ МЕДАЛЛАРИ

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида барпо этилган олимпиада ва спорт иншоотларида маҳоратини ошираётган ўғил-қизларимиз эндиликда халқаро майдонларда ҳам ҳеч қимдан кам эмасликларини намойиш этишмоқда. Хусусан, шу кунларда Хитойнинг Чунанчжоу шаҳрида давом этаётган XVI Осиё ўйинларида ҳамкорларимиз кўлга киритаётган медаллар 30 тадан ортиб кетди.

Бу йилги қитъа олимпиадасида 10 мингдан зиёд спортчи иштирок этмоқда. Шу сабабли медаллар учун кураш кескин кечмоқда. Қолаверса, мусобақа иштирокчилари орасида Олимпиада ўйинлари, жаҳон чемпионатлари ва кубоклари эгалари ҳамда турли халқаро турнирларда зафар қучганлар ҳам талайгина. Энг муҳими, вакилларимиз юрт шаънини муносиб ҳимоя қилишга эришгани барчамизга чекиз қувонч бағишламоқда.

Осиё ўйинлари доирасидаги боулинг, академик эшак қўйиш, теннис, оғир атлетика, таэквандо бахсларида олимпиадаларимиз навбатдаги медалларни Ўзбекистон спорт делегацияси ҳисобига қўшиб қўйиши. Айниқса, академик эшак

эшувчиларимиз эришган ютуқлар салмоқли бўлди. Жумладан, 2 километрлик масофада яққалик мусобақаларида юқори натижа қайд этган Артем Кудряшов бронза медали билан тақдирланди.

Аёллар ўртасида эса шу масофада Зарина Михайлова ҳам учинчи бўлиб маррага етиб келди. Яна шу масофада саккиз кишилик эшак эшувчиларимиз бронза медали билан тақдирланди.

Куннинг энг юқори натижаси эса оғир атлетикачи Иман Ефремов томонидан қайд этилди. У Осиё ўйинларининг кумуш медали соҳиби бўлди.

Таэквандо бахсларида 73 кг. вазнда иштирок этган Евгений Каримов ва 87 кг. оғирликдаги Акмал Эргашев мусобақанинг бронза медали

### ЭЛЕКТРОН ДАРСЛИК МАЪҚУЛМИ?

Мультимедиа умумтаълим дастурларини ривожлантириш мақсадида таълим ва бошқарув жараёнига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ҳамда Ziyonet тармоғидан самарали фойдаланишга бағишланган семинар-тренинг бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилган семинарда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги педагог ходимларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтларининг информатика фани ўқитувчилари, ахборот-коммуникация соҳаси вакиллари, провайдер компаниялар вакиллари иштирок этди.

"Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасида ташкил этилган ушбу семинарда умумтаълим мактабларини ахборотлаштириш, уларда ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга оид лойиҳаларга мувофиқ мактабларни замонавий компьютер жиҳозлари ва техникаси билан таъминлаш, ўқув жараёнида мультимедиа ва электрон дарсликлардан, рақамли таълим технологияларидан кенг фойдаланиш, уларда ахборот-ресурс марказларини ташкил этиш борасидаги масалалар муҳокама қилинди.

"Туркистон-пресс".

### ИСЛОХОТЛАР – ИНСОН УЧУН

Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасида олиб бориладиган давлат сиёсатининг бир йўналиши ҳам таъминланган, ёрдамга муҳтож ва ногиронларнинг моддий таъминоти ва ҳаёт шароитларини яхшилашга қаратилган.

Ўз вақтида юрт фаровонлиги учун хизмат қилган, ҳозирда кексалик гаштини сураётган авлодга гамхўрликни кучайтириш мақсадида ижтимоий ҳимоя тизимида ҳам ислохотлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси



Молия вазирлиги ҳузуридаги Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ташкил этилгани ҳам бу борада муҳим янгилик бўлди.

Ҳозирги пайтда жам-

лоят бошғармаси, туман ва шаҳар бўлимларида ташкилий-техник ишлар ниҳоясига етказилди. 2010 йил харажатлари

### ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗА ЙўЛИДА

учун сметалар тузилиб, Молия вазирлигида тасдиқланди. Барча бўлимларнинг низомлари ишлаб чиқилиб, давлат солиқ инспекцияси ва статистика бўлимларида рўйхатдан ўтказилди.

Шунингдек, хизмат кўрсатувчи ходимларнинг касбий-ҳуқуқий малакасини оширишга ҳам устувор вазифа сифатида қаралмоқда. Шу мақсадда жойларда Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг шаҳар ва туман бўлимлари бошлиқлари учун ўқув-семинарлари ташкил этилмоқда.

Шундай семинарнинг навбатдагиси Тўйтепа шаҳрида, Бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг ўртачирчиқ туман бўлимида ўтказилди. Семинар пенсия ва нафақаларни тўғри тайинлаш,

қайта ҳисоблаш, молиялаштириш ва тўлашни ташкил этиш, шунингдек, ногиронларни соғломлаштириш ва ногиронликнинг олдини олиш масалаларига бағишланди.

– Биз асосан аҳолининг ёрдамга муҳтож қатлами билан ишлаймиз, – деди жамғарманинг вилоят бошқармаси бошлиғи Лазиз Йўлдошев. – Шу боис ходимларимиздан нафақат ҳуқуқий саводхонлик, балки хўшмуомаллик ва холисликни ҳам талаб қиламиз. Уйлайманки, ўтказилаётган ўқув-семинарлар келгусида ижобий самара бериб, аҳолига хизмат кўрсатиш сифатининг яхшиланишига олиб келади.

Ўқув-семинарлар ҳар бир худудий бўлимда ўтказилишининг ҳам ўзига хос ҳикмати бор. Чунки, семинарда нафақат фикр алмашу, балки тадбир ўтказилаётган бўлим фаолияти ҳам сарҳисоб қилинади. Бошқа ҳамкасбларга ибрат бўлишга арзирли жиҳатлари ўрганилади.

Абулфайз САИДАСҚАРОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

СУРАТДА: ўқув-семинардан давҳа. Абдуқодир ЭҒАМҚУЛОВ олган сурат.

### ОГОҲЛИК

### ТАЙЁРГАРЛИК – ЯРИМ МУВАФФАҚИЯТ

Ўртачирчиқ туманида Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва "ЮНИСЕФ" ташкилотининг ҳамкорлигида дастури доирасида семинар-тренинг ташкил этилди.

Вилоят халқ таълими, соғлиқни сақлаш бошқармаси ва туман бўлимлари ҳамда "Маҳалла" хайрия жамғармаси вакиллари иштирокида ўтказилган машғулотларнинг асосий мақсади аҳоли, айниқса, ёш болаларни таълим оғатлар рўй берганда тўғри ҳаракат қилишга ўргатишга қаратилди.

Тадбирда вилоят фавқулодда вазиятлар бошқармаси ва Чирчиқ шаҳар аҳоли ва раҳбарлар таркибини тайёрлаш маркази мутахассислари томонидан фуқаролар, умумтаълим мактаблари ўқувчилари ва мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларини таълим ва техноген хусусиятдаги фавқулодда вази-

ятларда тўғри ҳаракатлаштиришга ўргатиш, табиий офатлар жараёнида аҳолини хавфсиз худудларга кўчириш билан боғлиқ масалалар хусусида сўз юритилди. Уч йилдан буён амалга ошириладиган лойиҳа доирасида вилоятнинг кўплаб маҳаллаларида, мактаблар ва болалар боғчаларида фуқаро муҳофазасига қаратилган тадбирлар ўтказилди ва махсус қўлланмалар тарқатилди.

Саид АСҚАРОВ.

2011 йил учун ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ газетасининг индекси - 205.





# ҚАРОР ИЖРОСИ БИЛАН КУЧЛИ


Ҳозир аҳолини този ичимлик суви билан таъминлаш дунё миқёсидаги долзарб масалалардан ҳисобланади. Чунки ер қуррадаги жамики сувнинг 3,5 фоизига истеъмолга яроқли. Боз устига, саноат ва транспорт соҳалари жадал ривожланиб бораётгани, маиший ҳаёт ўзгараётгани табиат мусофалигини сақлашга таъсир этмай қолмайди.

Шу боис, мамлакатимизда бу масалани ижобий ҳал этиш юзасидан кенг кўламли чора-тадбирлар кўриляпти. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг сув ва сув манбаларини муҳофаза қилишга оид бир қатор қарорлари қабул қилинган. Чунки, "Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида Чирчиқ дарёсининг сувини муҳофаза қилиш минтақасини ва қирғоқбўйи полдосини белгилаш тўғрисида"ги қарор ижросини таъминлаш юзасидан вилоят кўмитаси шу йилнинг ўтган даврида кўламли ишларни амалга оширди.

Қарорда Чирчиқ дарёсини сувини муҳофаза қилиш минтақасида жойлашган экологик ҳавфли объектларни худуддан чиқариш белгиланган. Бўстонлик туманидаги чорвачиликка ихтисослаштирилган "Тайпан

Файз барака" фермаси, Чиноз туманидаги "Эргашев" ва "Дўстлик" сўттовар фермалари, Юқоричирчиқ туманидаги 1- "Наврўз" чорвачилик фермасини дарёнинг муҳофаза минтақасидан кўчириш ҳақида тегишли ташкилотларга хатлар билан мурожаат қилинди. Шу билан бирга вилоят кўмитаси инспекторлари тегишли ташкилот мутахассислари билан биргаликда Чирчиқ дарёсининг муҳофаза худудидан чиқарилиши лозим бўлган объектларда мониторинг кузатуви ўтказди.

Рейдлар натижасида Корхона, ташкилот, хўжалик раҳбарлари, ер эгаларига 50 та ёзма қўрсатмалар тарқатилди. 101 нафар ҳуқуқбузарга нисбатан 1 800 682 сўм жарима солиниб, ўндирили олинди. Бугунга келиб, Сирдарёнинг қирғоқбўйи полдосидан 18 та объект



кўчирилиши зарур. Ҳозирги кунгача Бўка туманида 3 та, Бекобод туманида 2 та объектнинг фаолияти ўзгартирилган ва тўхта-тилган. Куйичирчиқ туманида 7 та, Бекобод туманида 1 та, Чиноз туманида 4 та ва Оққўрғон туманида 1 та объектнинг Сирдарёнинг муҳофаза минтақасидан чиқариш ҳақида тегишли ташкилотларга кўмитанинг хатлари билан мурожаат қилинди.

**Абдумажид ХОЛМУРАДОВ, ер ва сув манбаларини муҳофаза қилиш инспекцияси бошлиғи.**

Вилоят худудида жами 21 та чиқиндихона бўлиб, уларнинг умумий майдони 171,2 гектар. Жумладан, Оҳангарон туманидаги Тошкент шаҳар марказий чиқиндихонасининг умумий майдони 56 гектардан зиёд. Унинг 96 фоиз майдони тўлган бўлиб, устки қисмида рекультивация ишлари бажарилмоқда.

# ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛАЁТГАН МУРОЖААТ

Вилоят табиати муҳофаза қилиш кўмитаси инспекторлари 2009 йили чиқиндиларни жойлаштириш бўйича қонун талаблари бузилган 338 та ҳолатни аниқлаб, 7 миллион 278 минг 540 сўм миқдорда жарима ўндириб олишти. Афсуски, бу йил ҳам қонунбузарлиқ қилиниб йўқ. Корхона ва аҳоли яшаш жойларидан 2009 йили 1 миллион 100 минг тонна, 2010 йили 9 ой давомида 1 миллион 194 минг тонна маиший чиқиндилар олиб чиқиб кетилди.

Вилоят табиати муҳофаза қилиш кўмитаси, давлат санитария-эпидемиология назорати маркази, ветеринария назорати бошқармаси ва "Маҳалла" жамағатлари ҳамкорлигида "Тошкент вилояти худудидagi корхоналарда, тадбиркорлик субъектларида, чиқиндихоналарда, парандачилик фабрикаларида, қушхоналарда, бозорлар ва чегара худудларидан ўтган сифатсиз маҳсулотларни, мавжуд чиқиндиларни жойлаштириш ва зарарсизлаштириш юзасидан 2010 йил учун ҳамкорлик чора-тадбирлар режаси" ишлаб чиқилди. Шу асосда маиший чиқиндиларни жойлаштириш устидан давлат назорати ўтказилмоқда. Бундан ташқари, вилоят давлат санитария-эпидемиология назорати маркази билан биргаликда Қўбрай туманидаги собиқ гишт заводи карьерда "Экобиот сервис" МЧЖга 13 гектар майдонга маиший ва қурилиш чиқиндиларини тўқш эвазига рекультивация ишларини ўтказиш бўйича туман ҳокимининг ноқонуний қарорини бекор қилиш ҳақида туман прокуратурасига хат жўнатилди.

Зангиота туманида коммунал хўжалигига қарашли чиқиндихонанинг "BSB MAXIMUS SPES" МЧЖга ижарага берилган 3 гектар майдонда маиший чиқиндилар тўқилиб, амалдаги қонун талабларига хилоф иш қилинган учун қорхона раҳбарига энг кам ойлик иш ҳақининг 5 баробари миқдорда жарима солинди. Бундан ташқари, чиқиндихона фаолияти Зангиота тумани ҳокимининг фармойишига асосан, бир ой муддатга тўхтатилиб, белги-ланган чора-тадбирларнинг бажарилиши юзасидан қатъий назорат ўрнатилди.

Вилоят прокуратурасининг хати ва топшириғига қўра, Зангиота туманидаги "Карвон тараққиёт" қорхонаси ва унинг тарихийдаги фирмаларнинг табиати муҳофаза қилиш қўнуничилигига риоя этилиши текширилганда меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилмаганлиги, чиқиндиларни сақлаш ва жойлаштириш талаблари бузилганлиги аниқланди.

Шунингдек, Ўртачирчиқ, Куйичирчиқ, Янгийўл, Чиноз, Оққўрғон, Бўстонлик, Қўбрай ва Зангиота туманларида ҳам қонун талабларининг бажарилиши юзасидан мониторинг ва рейдлар ўтказилди, 40 дан ортиқ қорхона раҳбарларига оголантириш қўрсатмалар берилди. Оққўрғон, Чиноз, Янгийўл туман ҳокимликларига чиқиндихона учун майдон ажратиш тўғрисида хат орқали мурожаат этилди. Лекин ҳозирги кунгача ушбу масала жавобсиз қолмоқда.

**Холпўлат ҚОБИЛОВ, ер осий бойлиқларини муҳофаза қилиш ва чиқиндиларни жойлаштириш инспекцияси бошлиғи вазифасини бажарувчи.**

# САВОЛ СИЗДАН, ЖАВОБ БИЗДАН

Куз фаслида дарахт барглари тўқилиб, ерни ҳазон қоплайди. Уларни ёқиб соғлиқ учун зарар. Шундай экан, нима қилса бўлади?  
**Алишер НОРМАТОВ, ишчи.**

**Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш махсус инспекцияси мутахассиси Абдулла ҚУЧҚОРОВ:**  
Дарахтлардан тўқилган барглари бир жойга тўплаб, чуқур ҳандал қазиб, кўмиш керак. Баҳор ойида бу барглари чириб, биологик ўғит ҳосил бўлади. Бу ўғит қишлоқ хўжалиги учун қони фойда.

Чорвоққа эрта келган қишнинг зийнати.

Ҳар йили юртимизда баҳор фаслида ўтказиладиган ҳашарларда кўплаб дарахт ва гул кўчатлари экилади. Кейинчалик уларнинг парваришини кимдир назорат қилади?  
**Нафиса ЭРМАТОВА, Янгибозор шаҳарчаси.**

Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш инспекцияси инспектори Гулзаҳира МИРЗАБЕКОВА:  
Ҳашарларда қайси қорхона, ташкилот ёки маҳалла аҳли дарахт ва гул кўчатлари экишса, уларнинг раҳбарлари маъсул бўлади. Кўчарган дарахтларнинг назорати жойлардаги табиати муҳофаза қилиш кўмиталари зиммасига юклатилади.

Савдо дўкони очиб, тадбиркорлик билан шуғулланишнинг бир танишим табиати муҳофаза қилиш кўмитасидан ҳам ҳужжат олишим кераклигини айтди. Шу тўғрими?  
**Ориф НАЗИРОВ, Қўбрай тумани.**

Ўзбекистон Республикасининг "Экологик экспертиза тўғрисида"ги Қонунига қўра, объектларни экологик экспертизадан ўтказишни мажбурийлиги белгиланган. "Ўзбекистон Республикасида давлат экологик экспертизаси тўғрисида"ги низом талабларига биноан давлат экологик экспертизасига буюртмачи, яъни тадбиркор атроф-муҳитга таъсир тўғрисидаги ариза лойиҳасини тақдим этади ҳамда унга тегишли тартибда экспертизанинг ижобий хулосаси олинди. Хулосада қурилиш объекти учун ер танлаш, агар мавжуд объектни қайта тиклаш ёки кенгайтириш кўзда тутилган бўлса, лойиҳанинг дастлабки босқичида олинган руҳсат, лойиҳалаш, қуриш, фойдаланишга топширишга, шунингдек, объект фаолияти давомида ҳам тегишли экологик талаблар қўйилади.

# МУТАХАССИС МИНБАРИ

# КУЛ ШУДРИНГИ – ҲОСИЛ ЗАВОЛИ

Полиз маҳсулотлари озмиқ-овқат рақсонда муҳим ўрин тутаяди. Улар витамин, минерал туз ва органик кислоталарга бой бўлиб, инсон танасида моддалар алмаслини ҳамда овқат ҳазми бўлишини яхшилайди.

Ўзбекистонда полиз маҳсулотларидан бодринг кўпроқ етиштирилади. Унга бўлган талабнинг йил сайин ортиб бориши қишлоқ хўжалиги ходимлари олди-га ҳисилдорлиқни ошириш масаласини кўяди. Бунинг омилларидан бири унинг касалликларига қарши самарали тадбирларни ишлаб чиқишдан иборатдир. Касалликлардан ун шудринги кенг тарқалган бўлиб, кўп зарар етказаяди. У деярли ҳамма мамлакатларда учрайди. Афсуски, у етарли даражада ўрганилмаган. Вилоятимиз иқлими шароитида ун шудрингининг тарқали-

# Табиат ва ИНСОН

Тошкент вилояти табиати муҳофаза қилиш кўмитаси саҳифаси



# «ИҚЛИМ ВА САНЪАТ»

Пойтахтимиздаги Ёшлар ижод саройида "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамағатимиз, Гёте институти ҳамкорлигида "Иқлим ва санъат" мавзусидаги видео-арт кўргазмаси ташкил этилди.

Ўртимизда тасвирий санъатнинг узвий қисми бўлган видео-арт йўналиши ҳам изчил ривожланиб бормоқда. Мусавирнинг ўй-халқлари, фикр-мулоҳазалари аудио-визуал тарзда ифодаловчи ушбу санъат тури ихлосмандларга жонли тасвир, овоз ва макон-

ни ҳис этиш имконини бериши билан ҳам аҳамият-лидир. Ўртимизнинг ижодкор ёшлари замонавий санъатнинг маъруз йўналишида ҳам самарали фаолият кўрсатаётди. Ёшларда атроф-муҳит, табиатга эътибор ва меҳри-ни мустаҳкам қарор топи-

**Назозат УСМОНОВА, Ўза муҳбири.**

# БАҲРИ МУХИТГА МАДАД

# ПОКИЗАЛИК АЗАЛИЙ ОДАТИМИЗ-КУ!

"Юрган дарё, ўтирган бўйра", дейди халқимиз. Қанча кўп дунё кезсак, шунча ранг-баранг оламни кўрамиз, турли-туман воқеаларнинг гувоҳи бўламиз. Айниқса, биз, ижодкорлар учун табиат бағрида, одамлар орасида бўлиш, ҳақиқий ҳаётни жойида кўриб, кузатиш касбий зарурат ҳам, десак муболага бўлмас. Халқимизнинг урф-одатларию турмуш тарзи ва, ниҳоят, она табиатга муносабатини инсонларнинг қувончу ташвишларига шерик бўлиб, барча-га баробар ҳамнафас юрганларгина яхши тушунади.

Ҳозирга келиб одамлар табиат ҳаммаиздан мадад кутаяпти. Ёши ўтиб қолган авлод улкан ишларда фаол иштирок этиши анча мушкул. Ёшларимиз учун эса ўйинқорликка берилмай, майда-чуйда ва ёқорчи юмушларга қуларини зое кетказмай, асосий масалалар ечимига енг шимариб киришадиган вақт келди. Чунки, фарзандларимизнинг, қолаверса, ўзимизнинг ҳам соғ, тетик ва бардам бўлишимиз атроф-муҳит мувозанатининг бузилмаслигига бевосита боғлиқдир...

Мен ўтган салкам етмиш йиллик умрим давомида бунга қайта-қайта иқдор бўлганман. Олдин бир мисол: фарзандларимизни ҳар қанча парваришлайлик, энг лаззатли ва тўйимли таом билан сийламайлик, атрофимизда мусоффо ҳаво ва тоза сув бўлмас экан, ҳамма ҳаракатларимиз зое кетаяди. Ўғил-қизларимиз рангпар, нимжон ва дардчил бўлиб ўсишди. Тоғ қишлоқларида тоза ҳаво ва тишлоқ сувга эҳтиёж учналик сезилмаслиги учунми, атроф-муҳит муҳофазасига кўпчилик деярли эътибор бермайдди. Шаҳарда эса...

Хуллас, юқорида айтганимдек, кўп йиллик иш фаолиятим давомида тоғлардан то азим шахримиз Тошкентгача бўлган катта-кичик қишлоқлару шаҳарчаларда меҳнат қилдим, одамлар ҳаёт тарзининг иқдор-муҳити ҳақида муносабатни хусусида шунга иқдор бўлдимики, то одат тусига қирмағунча пок-қизалликка етарли эътибор берилмас экан. Ёшлик пайтларимда Тошкентдаги Уста Ширин каби қадимий маҳаллардаги тўйларда, турли маросимларда иштирок этардим. Уша даврдаги тошкентликларнинг ўза ниқазатлиги билан меҳмон қутишлари, кўча ва ариқларни гоёт пок-қиза туттишларига чинакамим қўйил қолардим. Улардаги бундай ибратли фазилатлар албатта аждодлардан мерос бўлиб қолган, халқнинг қон-қонига сингиб кетган. Зили-



ладан кейин кўп қаватли уйлар кўпайди, уларнинг орасида баъзан чиқиндиларнинг тўпланиб ётиши, кераксиз нарсаларни ариқларга ағдар-иш каби ҳуқуқ одатлар оддий ҳолга айланди...

Юртимиз мустақил бўлган, ахвол ижобий томонга ўзгара бошлади. Ховли-жойларми, баланд қаватли биноларми, баланд қадимдагидек шимам маҳалларлар ташкил этилиб, эсдан чиқазган тартибли удуларимизни тошкентликлар қайта тиклашга киришдилар. Авлоддан-авлодга ўтиб келаётган бундай удулар ҳеч қачон унутилмаслигини ҳаёт ҳақиқати исботлаяпти. Қалбларимиз бутун борлигини пок-қизалик ҳисси камраб олган, бу йўлда барчага ибрат бўлаётган оқсоқоллар бошқараётган бир қатор маҳалларда ҳақиқий орасталик тўла маънода намоён этилмоқда. Ёнг муҳими, бообўр кексалар ёшларни тўғри йўлга солиш ва уларни қадимий яхши удуларимизни рўёбга чиқаришдек олижаноб ишларга жалб этишга астойдил киришдилар. Шундай самарали фаолият натижаси ўлароқ пойтахт ва вилоятнинг барча худудларида сўлим хийбонлар, қошқиндор қойхонаю оромгоҳлар кўпайди.

Бирок, шולי қурмасиз бўлмаганидек, бетартиб маҳаллар, пок-қизалик эътибор бермайдиган хонадорлар ҳам йўқ эмас. Уларни, ҳатто, "зангори экан" орқали ҳам кўриб туришимиз. Бундай қўрсатувларни хусусан "Ёшлар телерадиоканали ходимлари махсус тайёрлашмоқда, иш-қилиб кўз темгасини...

Кўп қаватли уйлар атрофларидаги бу каби қўнғилсизликлар учун баъзида баҳоналар топилади, аммо қишлоғу тоғлардаги бемазагарчиликларга нима деймиз? Мана бир мисол: ёз ойларида шаҳардан неча ўн минглаб дам олувчилар Чирчиқ дарёсининг бош қисмига қадар боришиб, сув бўйларида хордиқ чиқарадилар. Айниқса, **Асад АСИЛ.**

Саҳифани вилоят табиати муҳофаза қилиш кўмитаси мутахассиси Қобилжон СОҚИЕВ ва «Тошкент ҳақиқати» муҳбири Хуршида ТУРСУНБЕКОВА тайёрлади.

СПОРТ // СПОРТ // СПОРТ // СПОРТ // СПОРТ // СПОРТ // СПОРТ // СПОРТ // СПОРТ // СПОРТ

ТЕМУР ҲАКИМОВ:

«МЕКСИКАДА ҲАМ МУХЛИСЛАРИМИЗ ИШОНЧИНИ ОҚЛАЙМИЗ»

Ўсмирлар ўртасидаги Осиё чемпионатида иккинчи ўринни эггалган терма жамоамизнинг ўйин савиясини акарият мутахассислар юқори баҳолашди. Темур Ҳақимовнинг чемпионатдаги энг яхши футболчи деб эътироф этилгани мухлисларни, айниқса, қувонтирди. Рақиблар дарвозасини беш марта ишғол этиб, шундай нуфузли совринга эга бўлган Темур билан сўхбатлашдик.

— Чемпионатдан аввал энг яхши футболчи бўлишни тасаввур қилган-мидингиз? — Тўғриси айтсам, шундай орзу бўлганди, аммо бунга эришаман деб ўйламагандим. Мусобақа бошлангандан олдин жамоавий ўйинга ҳисса қўшиш кераклиги тўғрисида бош қотирдим. Чунки, жамоа яхши ўйнаса, натижа ҳам яхши бўлади. Шу сабабли, жамоанинг бир бўлагига айланишни хоҳлагандим. Буни урдалаш насиб этди. Чемпионатнинг энг яхши футболчиси бўлганимдан хурсандман ва буни бутун жамоанинг ютуғи деб ҳисоблайман.

— Нуфузли совринларга қараганда ўйинингиз ўзинингиз маъқул келган бўлса керак? — Умуман олганда, ҳа. Бирок охири учрашув бундан мустасно. Уша кунги ўзим хоҳлаган даражада ҳаракат қила олмадим. Чемпионатдан аввал бутун жамоа билан биргаликда олтин медалларни қўлга киритиш учун ҳаракат қилишга ваъдалангандик. Афсуски, бунинг урдадан чиқолмадик. Шунга қарамай, финалда чиққанимизнинг ўзи ёмон натижа эмас.

— Футболга кириб келишингиз, биринчи мурраббийингиз ким эканлиги мухлисларингизни қизиқтиради, албатта... — 9 ёшимдан бошлаб Алексей Евстафьев кўл остида "Пахтакор" футбол академиясида шуғулланиб

келганман. Терма жамоага қабул қилинганимдан кейин Аҳмадхон Мусаев ҳам менга катта ёрдам бердилар. Улардан жуда миннатдорман. Устозларимнинг меҳнатиси бундай натижага эришолмасдим.

— "Пахтакор" футбол академиясидаги шароитлар ҳақида нима дея оласиз? — Академияда вақт ўтгани сари шароитлар яхшиланиб бормоқда. Ҳозир силфатли майдонларда машғуллар ўтказаямиз. Клуб раҳбарияти имкон борича ёш ўйинчиларга фақат футбол тўғрисида ўйлашга шароит яратмоқда.

— Нима деб ўйлайсиз, ўсмирлар футболдан ўринбосарлар сафига ўтиш вақти келгандир балки? "Пахтакор" ўринбосарлари сафига ўйнашга тайёрми? — Агар мурраббийлар шундай имконият беришса, уларнинг ишончини оқлашга ҳаракат қилиб кўраман. Ортада қолган мавсумда ўринбосарлар таркибига қўлаб машғулларда иштирок этдим. Мурраббийлар, менинг имкониятларимни яхши билишади.

— Бир неча йилдан буён "Пахтакор" академияси жамоаси сафига Тошкент шаҳар биринчилигида иштирок этасиз. Ушбу мусобақа ҳақида қандай фикрдасиз? — Бу биринчилик ёш футболчиларга ўйин амалиётини пухта эггалаш ва тез таъриб ортириш учун

яратиб берилган аjoyиб имконият. Баъзи ҳудудларда болалар ўртасидаги турнирлар ёки чемпионат бир неча кун ичида ўтказиб юборилади. Тошкент шаҳрида эса баҳордан кузгача учрашувлар ўтказаямиз. Бу жуда яхши, албатта.

— Катта футболдаги қайси ҳужумчиларнинг ўйинларини кўпроқ ўқитасиз? — Менга "Пахтакор" дан Александр Гейнрих ва "Арсенал" дан Андрей Аршавинларнинг ҳаракатлари ёқди. Улар йўқ жойдан ҳам хавфли вазиятларни юзага келтира олишади. Бу ҳужумчи учун жуда зарур хусусият.

— Темур, жамоамиз фахрли иккинчи ўриндан ташқари жаҳон чемпионатида қатнашиш ҳуқуқини ҳам қўлга киритди. Сизнингча, бу чемпионатда ҳам ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилиш имкониятлари борми? — Жамоавий ўйинларда имкониятлар кўп бўлади. Футбол ҳам жамоавий ўйин. Демак, жамоанинг ўйини қовушса, умумий имконият пастроқ жамоалар ҳам юқориқроқ ўринларга кўтарилиши мумкин. Ахир, футбол оламида бундай ҳолатлар тез-тез юз бериб туради-ку.

Аммо, бундай тасодифу омадга ишониниш, таяниш пухта ўйлаб тузилган машғулларда чарчланади. Шундай экан, биз орадаги вақт давомида тайёргарлик машқуларга зўр берсак, жаҳон чемпионатида ҳам мухлисларимиз ишончини оқлашимиз ҳеч гап эмас.



УЛАР ЭНДИ ҚАҲРАМОН

Фудокан каратэ-до бўйича Ўзбекистон терма жамоаси Россиянинг Тольятти шаҳрида ўтказилган очик кубок мусобақаларида иштирок этиб, 8 та медал билан қайтди. Жамоанинг икки аъзоси Бўстонлик туманидан.

Бўстонлик туманида курашчиларнинг шуғулланишлари учун яхши шароитлар яратилган. Спорт заллари, таърибали ва ўз ишини севадиган устозлар етарли.

— Биз шогирдларимизга биринчи галда ўзига ишонини ҳамда кўзланган мақсадга эришишни ўргатамиз, — дейди газалкентлик мурраббий Жамшид Эрматов. — Туманимизда 200 дан зиёд ўғил-қиз спортнинг шу тури билан мунтазам шуғулланади. Ўсмирларда спортга қизиқиш кучли, буни эса қўлаб-қувватлаш керак. Чунки, шарқ яққа кураши нафақат спорт, балки ҳаёт тарзи ҳисобланади. Агар кимдир каратэ билан хилдиди шуғулланса, ҳам ўқишга, ҳам жамоатчилик ишига бирдек улғурди. Улар орқанда қолувчиларнинг орасида бўлишни ўзларига эп кўришмайди.

Тольяттига қилинган сарфар ёш спортчилар Рустам Файзуллаев ва Жавлон Гилоповнинг хотира-сида бир умрга сақланиб қоладиган бўлди. Улар мардлик ва маҳорат белгиси — қора белбоғ соҳиб бўлишди. Чиройли техник-тактик маҳоратлари билан бошқа давлатлардан келган энг кучли спортчиларни ҳам доғда қолдиришди. Фудокан каратэ-донинг асосчиси Илья Йорг ҳам спортчиларимизга келгусида омад ва зафарлар тилади.

Газалкентдаги қадрдон спорт клубида Рустам ва Жавлонни қаҳрамонлардек қўтиб олишди. Энди улар озгина ҳордик чиқариб, яна машғулларга киришади. Олдинда муҳим мусобақа — шу йилнинг декабрь ойида Кипрда ўтказилган жаҳон чемпионати турипти.

Хуришда НАЗАРОВА. СУРАТАА: (ўртада) фудокан каратэ-до бўйича Россия очик кубоги қолиби Рустам Файзуллаев.

ТУРИЗМ

САЙЁҲЛАР ЎЗБЕКИСТОНГА ИНТИЛИШЯПТИ

Мустақиллик йилларида иқтисодиётнинг барча жабҳаларида, чунончи, халқаро туризм соҳасида ҳам катта ўзгаришлар юз бериб, республика валюта хазинасига тушум кўпайди.

Ўзбекистонга ташриф буюраётган сайёҳлар қайси мамлакатлардан эканлиги муҳимдир. Маълумотларга қараганда, уларнинг энг кўпи Жанубий-Шарқий ва Жанубий Осиёдан эканлиги маълум бўлади. АҚШ, Германия, Жанубий Корея ҳамда японияликлар ҳам юртимизга келишни маъқул кўришар экан. Иш юзасидан алоқалар ўрнатиш ва бизнес бўйича ҳамфикрларни излаш мақсадида Россия, Туркия, Германия, Буюк Британиядан келаётганларнинг кўпчилиги қувончлидир. Қўшни мамлакатлардан, яъни Қозғистон, Қирғизистон, Туркманистон ва Тожикистондан ташриф буюраётганлар ҳам жуда кўп. Сайёҳларнинг бу ерда ва бошқа яқин ҳамдўстлик мамлакатларида қариндош-уруғларининг борлиги ҳам туризмнинг ривожланиши учун муҳим омил ҳисобланади. Шимоллий Америкадан Осиё ҳудудларига сайёҳлар ҳам ташриф буюришар экан. Чунончи, 2006 йилда Бутунжаҳон туризм ташкилотининг маълумотиға кўра, Шимолий Америкадан 1,5 миллион киши Осиёга ташриф буюрган бўлса, Ўзбекистонга фақат 12 минг киши келган. Бундан кўринадики, Осиё ва Америка қитъасидан сайёҳчиларни Ўзбекистонга янада кўпроқ жалб қилиш зарурдир.

Ўзбекистон фуқароларининг четга чиқиши ҳам келинган йилларда оммавий тус олмақда. Агар 2000 йилда хорижга 900 минг киши чиққан бўлса, 2006 йилга келиб, улар 1 миллион 200 минг кишига етган. Бу шундан далolatки, кейинги йилларда Ўзбекистон аҳолисининг моддий фаровонлиги юксалмоқда. Натижада, улар бошқа мамлакатларда дам олиш, сайёҳат қилиш имкониятига эга бўлишмоқда.

Ўзбекистон фуқароларининг четга чиқиши асосан тижорат мақсадида бўлса, четдан Ўзбекистон-

ни кўриш, яқиндан танишиш, дам олиш, маданий ва маънавий озуқа олиш мақсадида келишяпти. Бу иқтисодиётимиз учун жуда қулай йўналишдир. Халқаро туризмда маркетинг жараёнларини ўрганиш, унинг ҳолатини билишда Ўзбекистонга ташриф буюрган ҳар бир сайёҳни имкони борича юртимизда эзоқроқ бўлишларига эришиш муҳимдир. Бунинг сабаби шундаки, Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган хорижликлар хизмат қўраётганда туристик компаниялар, сайёҳлик агентликлари томонидан ортиқча сарф-харажатлар қилишга йўл қўйилмайди ва мавжуд туризм инфраструктураларидан самарали фойдаланишга эришилади. Қузатишлар натижасида шу нарса маълум бўлдики, иш юзасидан, бизнес, дам олиш, кўриш ва билиш мақсадида Ўзбекистонга ташриф буюрганларнинг бир-икки кун бу ерда ортиқча қолиши янги сайёҳларни жалб қилишдан кўра кўпроқ самара берад экан. Комилжон ХУРСАНДОВ.

Фойдали маслаҳатлар

- Жилгидон қайнаса, ҳар кун бир пивла сариқ сабзининг шарбатини ичиш даво бўлади.
● Бош оғриганда қалампирмунчоқни майдалаб, кукун қилиб, ярим қошиғини овқатга солиб истеъмол қилинса ва ярим чой қошиғини зайтун ёғига қўшиб бошга суртлса фойда беради.
● Оғиз бўйлигини исирик, собур барги аччиқ кўк чой, тоғ олчаси шунингдек, намақоб, эрмон ва қора анди қайнатмаса билан бир неча бор фарғара қилиб туриш керак.
● Йўталга қарши беҳнинг ичига асал, сариёғ солиб, оташдонда пишириб истеъмол қилинса, шифо бўлади.
● Ҳар қандай нордон мева, сабзавот ва ошқўқлар қон босимини туширади, овқат ҳазм қилишни тезлаштиради.
● Инсон қандай касалликка чалинмасин, уларни даволашда тўрт тил мева фолл ёрдам беради. Булар урик, тут, узум ва хурмодир. Уларни ҳар кун меъёрида истеъмол қилиб туриш нияҳотда фойдалидир.

Ўртачирчиқ туманидаги 10-умумтаълим мактаби томонидан 2005-2006 ўқув йилида Иманқул Жалолдин Кўчкарович номига берилган № 0478222 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Частная фирма "SHARIPA KIMO" (ИНН 201286572) Учтепинского района г. Ташкента сообщаем о своей реорганизации в форме преобразования в ООО "SHARIPA KIMO". Тел.: 247-98-33.

Утепа тумани ҳокимиятидан рўйхатдан ўтган Арпиджамова Шохида Двораяна номига берилган думалоқ муҳр ҳамда бурчак тамғаси йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Утерьянний кадастр на 9 (девятая) этажное административное здание - бывшее общежитие № 23, расположенное по адресу: г. Ташкент, Хаманский р-н, ул. Лисюнова 29-А, принадлежащее на основании договора купли-продажи от 13 ноября 2007 года реестр 2-9393 ООО "FINANS AND TRADING" (ИНН 300445782). СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

ЖИНОЯТГА ЖАЗО МУҚАРРАП

Одамзотнинг бошига ташиш тушмасин. Тушди-ми, тамом, боши айлиниб, юрар йўлини йўқотиб қўди...

Йўлдош Холмуродов фирибгарликда айбланиб, иши Тошкент туман жиноят судида қўрилатган пайтда унинг қизи нима бўлса ҳам отасини қамоқдан олиб қолиш ҳаракатига тушди. Дилафрўз ҳамма чораларни бирин-кетин ҳаёлидан ўтказди. Охири яхши бир адвокат ёлашга қарор қилди. Бу қарори уни пойтахтнинг Юнусов туманидаги "APRIORI LIBERUM" адвокатлик хайъатига етаклаб келди. Бу ерда унинг иши тез бита қолди: хайъатда адвокат бўлиб ишловчи Фахриддин Зайниддинов Дилафрўзга қўлидан келганча ёрдам беришини айтиб, ҳатто, унинг отасини тезда қамоқдан чиқаришни ваъда қилиб юборганини ўзи ҳам сезмай қолди.

Дилафрўзнинг отаси оқланиши учун ҳамма нарсага тайёрлигини сезган адвокат дарров ишни бошлаб юборди. Миждоз билан битим тузиб олган, тергов ҳибсхонасида сақланаётган Йўлдош Холмуродов билан учрашди. Холмуродов унга бир гуруҳ аризачилар тўхта қилиб, 85 миллион сўм атрофида моддий зарар етказишда айбашаётганини билдириди. Адвокат эса уни тинчлантириб, бу ҳолатда унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 168-моддасида кўрсатилган "Етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш тарикасидаги жазо қўлланилмайди", деган бандини қўлаш мумкинлигини тушунтирди. Аммо Хол-

муродов бунча пулни топа олмаслиги кундек равшан эди. Шунга қарамай, адвокат "лаққа балик"ни қўлдан чиқаргани келмади. "Сиз бир бало қилиб, 5-6 миллион сўм топиб, тўлаб юборсангиз бўлди. Мен судда миждозим келтирилган зарарни қоплай бош-

ОҚЛОВЧИНИНГ ҚОРА ҚИЛМИШИ

лади, деб сизни озодликка чиқаришларини сўраб, судга илтимоснома киритаман", дея Йўлдош Холмуродовни аврашга тушди.

Чўқаётган одам чўпга тирмашади, дейдилар. Йўлдош Холмуродов ҳам адвокатнинг сўзларига ишонди. Қизи Дилафрўз билан гаплашиб, танишларидан 5 миллион сўм қарз кўтариши мумкинлигини айтиди.

Киз бечора бу гапдан хабар топганча, оёғи қуйган товукдек типирчилаб, пул қидира бошлади. Нияҳот, унинг жонига Баҳодир исмли таниши оро кирди. Киз отасининг гаражини гаровга қўйиб, 4000 АҚШ доллари қарз кўтармоқчи бўлди. Дилафрўз бу пуллари топанганини айтиб, яна адвокат билан гаплашиб кўришга қарор қилди.

Адвокат бор маҳоратини ишга солиб, "терговчи билан гаплашгани, унга пул берилса, қамоқ жазосидан олиб қолишини, қисқаси ҳаммаси яхши бўлишини" уқтирди. Аммо, Дилафрўз терговчи билан ўзи гаплашиб кўриб, адвокатнинг қандайдир ўйин қиритаман", деган гапни қайтараверди.

Дилафрўз бўлаётган воқеалардан боши гангиб, "тегишли жой"дан ёрдам сўрашга қарор қилди. Нияҳот, сўзамол адвокат талаб қилаётган 4000 долларини олаётганда ушланди. Тергов жараёни яқунланган, иш судга оширилди.

Гарчи суд мажлисида адвокат Фахриддин Зайниддинов фуқаро Дилафрўз Холмуродовдан 4000 АҚШ долларини етказилган зарарни қоплаш мақсадида олганлигини рўқач қилган бўлса-да, суд бунни жиноят учун жазо муқаррарлигини билган ҳолда жавобгарликдан қутулиш мақсадида ўйлаб топилган баҳона, деб ҳисоблади. Чунки, жиноят иши бўйича сўроқ қилинган жабрланувчи ва гувоҳларнинг қўрсатмалари ҳамда жиноят ишида тўп-ланган бошқа далиллар уни инкор этди.

Қолаверса, яна бир мулоҳаза. Айтилик, адвокат нега иш судга оширилиб, назарий жиҳатдан терговчининг аралашувиға имкон қолмаган вазиятда ҳам миждоз Дилафрўзни лақиллатишда давом этди? Хуллас, саволлар кўп. Уларга жавоб топиш учун қўп тақаб керак. Энди собиқ адвокат бу саволларга "дўппини бошдан олиб" жавоб кидирса ёмон бўлмасди. Ахир бу иш учун энди унинг вақти бемалол. Суд ҳукми билан унга 3 миллион 768 миғ сўм жарима жазоси тайинланиб, 1 йил муддатта адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум этилгани устига яна 3 йил "муддат" ҳам бериши-да. Карим МАТНАЗАРОВ.

ДП "Saniplast Servis" соообщает о переобразовании в общество с ограниченной ответственностью "Saniplast Servis". ООО "Saniplast Servis" становится собственником всего имущества, а также правопреемником всех долгов и обязательств ДП "Saniplast Servis". Претензии принимаются в течение одного месяца с момента выхода настоящего объявления по адресу: Республика Узбекистан, 100187, г. Ташкент, М. Улугбекский р-н, Карусу 4, дом 11.

Утерьянний патент № 0405368 ЧП "Акбаров Тимур Дамирович", выданный хокимиятом Мирзо-Улугбекский района г. Ташкент, СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Кадастр хизматидан 05.08.2010 йилда Сергели тумани, Сергели 4-32-25 хонадонда яшовчи Ашир-алиева Джемалия Худайбергана-на нотариус учун берилган маълумотнома йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Утерьяннюю круглую печать, выданную разрешительным отделом Учтепинского РОВД г. Ташкента "HUROSON" mahalla fuqarolar yig'ini, зарегистрированного отдела регистрации субъектов предпринимательства хокимията Учтепинского района по адресу: Чиланзар 12-квартал, дом 9, СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.

Утепа (аввалги Акмал Икромов) тумани хокимлиги 2000 йил 25 июлда № 934-сонли қарорига асосан рўйхатдан ўтган "MAFTUNA ONAM" (ИНН 203340013) хусусий фирмасининг ташкилий-ҳуқуқий шакли масъулият чекланган жамиятига ўзгарганини эълон қилади.

Бектемир туман хокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 2005 йил 19 апрелда 000214-02 реестр рақами билан рўйхатга олинган "ELYGOLDNAN" хусусий корхонаси, (ОКПО 201535562, ИНН 205616845) корхона тасъисчисининг 2010 йил 23 ноябрдаги 5-сонли буйруғига асосан ТУГАТИЛАДИ. Давволар 2 ой муддатда 400-47-75 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Бектемир туман хокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 2007 йил 1 ноябрда 000531-02 реестр рақами билан рўйхатга олинган "KAPITAL KONUS" масъулият чекланган жамияти, (ОКПО 22016332, ИНН 300606724) жамият тасъисчиларининг 2010 йил 22 ноябрдаги умумий йиғилиш баённомаси қарорига асосан ҳисоб рақами очмаганлиги ва молзия-ҳўжалик фозлиятини амалга оширмаганлиги муносабати билан жамият ТУГАТИЛАДИ. Давволар 1 ой муддатда 331-80-07 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Утепа ТЖБИХ бўлими томонидан Таждибаев Джемалия Эр-кинович номига Баёт қўчаси, 17-уй учун 31.11.2004 йилда берилган ўй плани йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

Миробод тумани Тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси томонидан 18.03.2010 йилда № 004611-03 реестр рақами билан рўйхатга олинган (ИНН 301813638) "BURHON VA DILBAR BOG" масъулият чекланган жамиятига тегишли бўлган бир дон бурчак тамға йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манъиялимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32. Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54. Ўзлонлар: 236-55-03, 236-53-54.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланиди. Ўзлон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир. Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА Навбатчи Хуршида ТУРСУНБОВЕВА Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДУХҲАЕВ